ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА БАЛО ТОҒИ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

З.Қ.Эшанова

Мақолада кўплаб ўзбек халқ достонлари таркибида келувчи мифологик қарашлар асосида шаклланган Бало тоғи образининг бадиий талқинлари "Балогардон", "Юнус пари" каби достонлар мисолида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *романик достон, тоғ образи, мифик макон, эпик макон, мифологик талқин, анъанавий образ, мотив, синов мотиви, шарт мотиви, ўзга оламга сафар мотиви, сюжет халқаси.*

В статье на примере дастанов "Балогардон" и "Юнус пари" рассматриваются художественные интерпретации образа "Бало тоғи" ("гора Беды»), часто встречающегося в узбекском народном эпосе и связанного с мифологическими представлениями,

Ключевые слова: *романический эпос, образ горы, мифическое место, эпическое место, мифологическая трактовка, традиционный образ, мотив, мотив испытания, мотив условия, мотив путешествия в другой мир, сюжетная цепь.*

On the basis of epic poems 'Balogardon', and 'Yunus pari' the article deals with the literary interpretation of the image of 'Balo tog'i', often met in the Uzbek epos connected with mythological imaginations.

Key words: *epos, romanical epos, character of mountain, mythological place, epic place, myphological improvisation, traditional character, motive, motive of triel, conditional motive, the travel motive to the other world, the cycle of sujet.*

Халқ достонларида келувчи тоғ образининг семантик кўлами, қўлланиш ўрни, шакллари ўзбек фольклоршунослигининг бевосита тадқиқот объектига айланган эмас. Фақат маълум образлар тизими, қаҳрамонлар генезиси ўрганилганда, у ёки бу тоғ образи ҳақида тўхталинган, фикр-мулоҳазалар билдирилган [1.51-56; 2.20-21]. Мавжуд ҳолат халқ достонларида келувчи тоғ образини атрофлича ўрганишни талаб қилади. Манбалар таҳлили эпос намуналарида тоғнинг энг фаол қўлланувчи образлардан бири эканини кўрсатади.

Маълум бир эпик ном олиб, у ёки бу достондаги эпик маконни билдирувчи ва бадиий воқеликда тўла тасвирланувчи тоғ образларидан бири Бало тоғи бўлиб, унинг бадиий талқинларини вазифасига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Бало тоғи – девлар қўним топган жой.

2. Қаҳрамоннинг синалиш манзили, шартлашиш жойи.

3. Тоғ – ўз (қаҳрамон макони) ва ўзга оламлар чегараси, ўтиш ўрни.

Бало тоғи, асосан, "Гўрўғли" туркум достонларида фаол тилга олинувчи номдор тоғлардан бири бўлиб, у достонларда, асосан, чегара вазифасини ўтайди. Чамбил (ёки Така ёвмит) юртидан дев-парилар маконига эпик қаҳрамон, аввало, шу чегарадан ўтиб бориши мумкин. Ўзбек фольклоршунослигида Бало тоғи махсус ўрганилган эмас. С.Мирзаевaнинг тадқиқотида Бало тоғи мифик макон сифатида талқин қилинган фикрлар бериб ўтилган [2.83].

Бало тоғи этимологияси ҳақида ҳам айни фикрни айтиш мумкин. Кўриниб турганидек, "Бало тоғи" атамаси бевосита "бало" сўзи билан боғлиқ. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган:

"Бало – синов; офат, мусибат, бахтсизлик. 1. Бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат, ташвиш... 1) турли-туман нохушликлар; турли салбий ҳолатлар. 2) ҳар қандай нарса.

2. Кўчма. с.т. Уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, ўз ишига пишиқ..." [4.151]

Бало тоғи маълум маънода Асқар тоғи муқобилида турувчи поэтик маънога эга. Қаҳрамон сафарга чиққач, узоқ масофани босиб ўтиб, Бало тоғига боради ва у ерда Кўҳи Қоф ҳамда Ирам боғ йўлида пойлоқчилик қилувчи Бало девга учрайди. Маълум бўладики, Бало тоғида инсонга офат ва бало келтирувчи мавжудотлар яшайди. Шу сабабли ҳам бу тоғ Бало тоғи деб юритилади.

"Юнус пари" достонида ёрга етишиш учун сафарга чиққан Гўрўғли Асқар тоғидан ошиб, Эр Хизр чўлидан ўтиб, Тегирмончидан бувирчиқ, тустовуқ мояги, бир қуён ва тошбақани олиб [5.176-179] бир тоққа етиб келади.

"... Ўзи баланд тоғ экан,
Тевараги зов экан
Юра, юра Гўрўғли,
Тоққа яқинлаб қолди...

Ана энди Бало тоғининг устига чиқиб, ҳар атрофга қаради, қуш учса қаноти куядиган бул кетган чўл, жондор кўринмайди, эл нишони йўқ, йўл нишони ҳам йўқ" [5.177]. Бахши Бало тоғининг ваҳимасини Гўрўғли тилидан ўта таъсирли қилиб қуйидаги тарзда тасвирлайди:

“...Ҳеч бир нарса бу тоғларда бўлмаса,
Гапирмоққа ҳамдамгинам бўлмаса,
Ёлғиз турганимни ҳеч ким кўрмаса,
Яйловда мўл юрарга одам бўлмаса,
Турган тоғлар кимлар учун яралган,
На бир олқор, ўйнар кийик бўлмаса?

Юриб келдим қум чангиди изима,
Ҳеч бир жондор кўринмайди кўзима,
Отингдан айналай яратган жаббор,
Бу гапларни маълум қилсанг ўзима...
Бу тоғларни киминг учун яратдинг?” [5.178]

Гўрўғли ана шу кимсасиз, ваҳимали тоғда Балога дуч келади: “Гўрўғли шундай қараса, бир нарса ётибди. Бир қулоғи кўрпадай, бир қулоғи супрадай, бўйлари минорадай, киприклари чинордай, буни кўриб Гўрўғлибекнинг ҳуши бошидан учди. Унинг отини Бало дев дегувчи эди. Буни Юнус пари қоровул қип қўйиб эди, “Шу ёқдан одам келса ейсан”, деб. Ўзининг Гўрўғлибекдан гумони бор эди” [4.180].

Бало девнинг Гўрўғлига айтган гап-сўзларида асосий урғу Бало тоғига берилади:

“Юргангинам тоғнинг тоши,
Учар қўлнинг турна қуши,
Еганим одамнинг гўшти,
Шукур овим барор олди...

Сўйлатайин қизил тилни,
Тоғдан терсам тоза гулни,
Таг тилима одам келди,
Шукур овим барор олди [5.181].

Бало дев монологига диққат қилинса, “Юргангинам тоғнинг тоши”, “Тоғдан терсам тоза гулни”, “Тоғда синдирсам бодомни” шеърий мисраларида тоғ образи иштирок этишини кўришимиз мумкин. Ушбу мисралардаги тоғ Бало тоғи билан боғлиқ рамзий маъно касб этиб, Бало дев образини тўлақонли тасаввур этишга, Гўрўғли қаршисида қандай қудратли ёвуз куч турганини англашга ёрдам беради. Гўрўғли девга ўзини худонинг балоси деб таништиради. Дев Гўрўғлининг қудратли кўз қарашига дош бера олмай, қўрқади. “Гўрўғлининг кўзи девдан ўтиб кетди” [5.183], деб изоҳланади достонда. Гўрўғли девга бутун Бало тоғи унинг мулки эканини айтиб яна зуғум қилади:

“Билсанг, сен аввалги овим,
Соп бўлмайди сенга гапим,
Бало тоғ ўзимнинг тоғим.
Ажал тўнингни бичаман,
Пўлат сопли ханжаримни,
Кўкраккинангга санчаман.
Аввал сени еб бўлган сўнг,
Ўзим осмонга учаман ”.

Достонда келтирилган бундай тасвирлар Гўрўғлининг инсон зоти бас кела олмайдиган ёвуз маҳлуқдан ҳам қудратли, ғайриоддий қаҳрамон эканини кўрсатишга хизмат қилган.

Дев Ғўрўғли билан шартлашиб, шартда енгилади, уни Ирам боғи ва Кўҳи Қоф чегарасигача етказиб қўяди. Достонда Бало тоғи ва бу тоғда яшовчи дев Гўрўғли Юнус парини олиб келиш йўлида дуч келган илк тўсиқ ҳисобланиши баробарида Бало тоғининг Гўрўғли маконига қарама-қарши ҳудуднинг бошланиш нуқтаси эканини ҳам кўрсатади.

“Гўрўғли” достонларида Асқар тоққа муқобил Бало тоғи билан бирга Бадбахт тоғи ҳам тилга олинади. Лекин Бадбахт тоғнинг Бало тоғидек батафсил тасвири, унда яшовчи кучлар тавсифи берилмайди. Аммо рақиб кучлар тилга олинганда, Бадбахт тоғи ҳам бот-бот эсланади. Бадбахт тоғи Гўрўғлининг ота юрти Така-Ёвмит ва у бунёд этган Чамбилга рақиб куч – Шоҳдорхон тараф воқелиги билан бирга тилга олинади. “Балогардон” достонида Гўрўғли билан аразлашган Юнус пари сайислардан бирини авраб, Ирам боғига Ғирот билан бирга кетади. Ушбу воқеа ҳақида Гўрўғли билан фикрлашаётган Авазхон тилидан достонда қуйидаги монолог айтилади:

“Сенинг билан бўлган хотининг тараф,
Кўргин ота Бадбахт тоғига қараб.
Гап эшит, отажон, менинг тилимдан,
Номард сайис туз еб ўсган қўлингдан,
Хотин иғвосига у ҳам ияриб,
Сени айирганди Лайли Ғирингдан... [6.14]

Бу ерда Бадбахт тоғининг тилга олиниши бежиз эмас. Чунки Гўрўғлига келувчи хавф Бадбахт ёки Бало тоғи орқали келади. Авазхоннинг отасига айтган гапларини “Бадбахт тоғига қаранг, хавф у томондан эмас, Бало тоғи томондан келмоқда” маъносида англаш керак бўлади. Чунки Юнус пари сайисни авраб: “Чамбилдан қирқ кунлик йўл келади, Бало тоғи деган бир тоғ бор. Бу Ғирот сени қирқ йиллик йўлга, тонг отмай шу Бало тоғининг белига еткаради. Биз каптар кийимини кийиб, орқангдан учиб бориб, сенга етамиз. Сўнг, сени боғи Эрамга бошлаб олиб кетамиз, – деди. Ғиротни Чамбил қалъасидан ирғитиб, йўлга солиб юборди” [6.11]. Достонда Авазхоннинг Ғиротни ва париларни излаб Бало тоғига бориши ва у ерда Балога дуч келиб, ўзини Балогардон сифатида танитиб, дев билан шартлашиб, уни худди Гўрўғлидек енгиб, Боғи Ирамга мағлуб дев елкасида бориши тасвирланади.

“Балогардон” достонидага Бало тоғи тасвирлари “Юнус пари” достонидаги тасвирларга уйғун. “Балогардон” Булунғур достончилик мактабининг донгдор бахшиси Фозил Йўлдош ўғлидан, “Юнус пари” достони Қўрғон достончилик мактабининг атоқли бахшиси Пўлкан шоирдан ёзиб олинган. Бу икки достончилик мактаби анъаналари бир-биридан кескин фарқ қилса-да, достон учун асос бўлган

тасаввурлар, образлар талқинидаги яқинлик Бало тоғи ва Бало дев тасвирлари мисолида аниқ кўринади. Фозил шоир Авазхоннинг Бало тоғига бориши, кузатиши ва фикрларини тасвирлар экан, асрий анъаналар ўзанидан четга чиқмайди. “Авазхон Чамбилда баҳодир. Баҳодирларга одат: ҳо отлиқ, ҳо пиёда бўлсин, бир юриб кетса, қирқ кечаю қирқ кундуз юриб кетаверади. Аваз оқшом билан йўл тортди, чўлга чиқиб кетди. Тонг ёришиб отди. Аваз қаради, Бало тоғи кўриниб турибди. Аваз Бало тоғини бетга тутиб, йўл тутиб: “Бало тоққа етиб, бир овқат қиламан-да”, – деб бораётир. Барибир Бало тоғига етмасдан ҳеч нима топмасман деб кўнглидан ўтди. Бало тоғи кўзига яқиндай кўриниб турибди, қичаб бораяпти. Гоҳ юришига ўтдай туташиб, гоҳ дарёдай тошиб, оқшом бўлса, гоҳ ерлардан адашиб, неча дарбанд бел ошиб, етолмайин, Бадбахт тоғига жанашиб, неча тун, неча кун йўл юриб қарайди. Бало тоғи ҳали ҳам бурунгидай бўлиб кўриниб турибди” [6.23]. Ушбу парчага диққат қилинса, унда гап Авазхоннинг Бало тоғига бориш йўли ҳақида экани кўринади. Юзаки қараган одам бахши Бало тоғини Бадбахт тоғига адаштирдимикин, деб ўйлаши ҳам мумкин. Йўқ, бу ўринда ҳеч бир хатолик йўқ. Бахши Авазхоннинг Бадбахт тоғи ёнидан ўтиб, Бало тоғини мўлжал олиб бораётганига урғу бераётганини англаймиз. Демак, Бадбахт тоғи бир томонда қолиб, Бало тоғи ундан анча олисда экани маълум бўлмоқда. Бир кунда қирқ кунлик йўлни босиб ўтувчи Авазхон ҳам бу олис йўлдан зерикади. Унинг наздида кўриниб турган Бало тоғи, қанча юргани билан, худди олислаётгандай бир хил кўринишда туради. Авазхон Бало тоғига етди, у ҳам Гўрўғли каби “...икки бути осмонда обжувоз туйиб келаётган, сандалдай, сандиқдай тошларни упадай майда-майда қилиб янчиб келаётган” [6.27] Бало девга дуч келди.

Авазхон ҳам худди Гўрўғлидек иш тутади: девни руҳан қўрқитади, ақлини ишлатиб, девни шартлашишда енгади, девнинг кучидан фойдаланиб, Боғи Ирамга етиб олади; рақибининг уловига айланиб қолган Бало девнинг кўнглидан ўтган хаёллар, шубҳа-гумонларни сўзамоллик, усталик билан даф қилади. Шу ҳолат “Балогардон туриб айтди: – Биз осмонда юрган вақтимизда ернинг ҳайбати ёмон бўлади, – деб эшитиб эдик. Осмондан тушарда учовимиз ҳам кўзимизни юмиб тушиб эдик. Улар молларга, жондорга кетган вақтда мен Балонинг қишлоғига қайси йўл борар экан, деб ўйлаб турган вақтимда худо ризқимга сени етказган эди. Ўлагар, агар бурун сени емасам ҳам энди ейман, деб буйиридан ола кетди. Шунда Балонинг хаёли қочиб, нашаси учиб бу ўйидан наф топмай, Балагардонга миннатдорчилик қилиб, бу сўзни айтиб турган экан” [6.33] тарзида берилганки, уни достоннинг қаҳрамонлар руҳиятидаги ўзгаришлар нозиклик билан тасвирланган ўринларидан бири дейиш мумкин. Айни вақтда, Бало тоғида яшовчи девларнинг катта куч-қудратга эга экани Гўрўғли ва унинг сафдошлари, ўғилларининг ҳам қудратли ҳамда ғайриоддий қаҳрамон бўлишганини кўрсатади.

Хулоса қилсак, ўзбек халқ достонларида Бало тоғи мифик макон сифатида талқин этилади. Бу мифик маконда девлар, ғайриоддий кучлар яшайди. Қаҳрамон Бало тоғидан кейин келадиган мифик маконга (Кўҳи Қоф ва Боғи Эрам) ўзи бора олмайди, бу иш одам зотининг қўлидан келмайди. Шу боис эпик қаҳрамон Бало тоғидаги девларни ақл кучи билан енгиб, уларни ўзига бўйсундиради. Ўз навбатида девлар қаҳрамоннинг ўзга оламларга бориб келиши, мақсадига эришишида кўмак берадилар. Бундан кўринадики, Бало тоғи қаҳрамон юртини ўзга оламлар билан ажратувчи чегара – мифик макон сифатида талқин этилар экан. Достонда Бало тоғи синов, шарт ва ўзга юртга сафар мотивлари билан бир сюжет ҳалқасида келади, эпик қаҳрамоннинг куч-қудрати, ақл-идроки ва ғайриоддий инсон эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Шу билан бирга, дев каби демонологик персонажни бўйсундирган қаҳрамоннинг баҳодирлик сифатларини бўрттириб, романик достонларга фантастик руҳ бағишлайди ва уларнинг қизиқарли ҳамда ўқишли бўлишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Турдимов Ш.Г. Бу тоғлар қандай тоғлар...// Адабиёт кўзгуси. – 1998. – №1. – Б. 51– 56

2. Турдимов Ш.Г. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фан.докт... дисс. афтореферати – Т., 2011.- 47 б.

3. Мирзаева С.Р. Романик достонлар поэтикаси.-Т.: Фан, 2004.- 289 б.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд.– Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.- 878 б.

5. Юнус пари. Айтувчи: Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: Шаҳзода Хўжаева. –Т., 1967.- 318 б.

6. Балогардон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар: Буюк Каримов ва Тиловқул Ашуров.- Т., 1986.- 98 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 6 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)